

Денгизларнинг мукаддас Куръонда таърифланган кўшилиш ва ажралиш жойлари

Бундан 1400 йил бурун Аллох тарафидан нозил килинган мукаддас Куръонда бугунги тараккий этган замонавий техника воситалари эвазигагина маълум бўлган денгизлар хақидаги маълумотлар мавжуд. Аллох таоло Куръонда дейди:

﴿ وَهُوَ الَّذِي مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ هَذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ وَهَذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ
وَجَعَلَ بَيْنَهُمَا بَرْزَخًا وَحِجْرًا مَّحْجُورًا ﴾

«У икки денгиз-дарёни буниси чучук-ширин, униси шўр-аччик килиб окизиб кўйган ва уларнинг ўртасида тўсик-тўгон ва кўринмас парда килиб кўйган Зотдир». (25:53)

Куръонда сувлар кай тарзда кўшилиши васф килинади. Бундан ташқари, шўр сув билан чучук сувнинг кай ҳолатда аралашиси, у иккисининг ўртасида тўсик мавжудлиги ҳам келтирилади. Сувларнинг аралашуви жойи сувларнинг кириши ва чиқиши бошқарадиган катор табиат чекловчилари борлиги билан ифодаланади. Куръонда зикр этилган ушбу хусусиятларни замонавий фан ҳам тасдиқлади. Денгизнинг шўр суви билан дарёнинг чучук суви ўртасида тўсик мавжудлигини эслатишдан ташқари, мукаддас Куръонда денгизларнинг ўзида ҳам шундай тўсиклар мавжудлиги хақида гапирилади:

﴿ مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ يَلْتَقِيَانِ ﴾

﴿ بَيْنَهُمَا بَرْزَخٌ لَا يَبْغِيَانِ ﴾

«У Зот икки денгиз-дарёни бир-бирлари билан учрашадиган холларида (ёнма-ён) окизиб кўйди. У иккисининг ўрталарида бир тўсик бўлиб, улар (ўшандан) ошиб ўтмади». (55:19-20)

Адан кўлтиги ва Кизил денгиз, Атлантика океани ва Ўртаер денгизи сувлари ўртасидан ўтувчи сувли чегараларга ўхшаш мазкур тўсиклар дунёнинг бошқа қисмларида ҳам кузатилади.

Денгизлар хақидаги фан-замонавий бир фан бўлиб, денгизлар дунёсининг турли қирраларини ўрганади. Ибтидоий одам ўзининг ҳаёти денгиз ва дарёлар билан чамбарчас боғлиқ бўлишига қарамасдан, уларни илмий нуқтаи назардан туриб англашга ҳаракат қилмаган, чунки одамнинг диққат-эътибори ўзи яшаётган Ер хусусиятларини тушунишга қаратилган. Уни яна ўраб турган атроф-муҳит ҳам қизиқтирган, лекин уларни англаш маълум бир чегарада бўлган. Эрамингача яшаган файласуфлар қатор табиат ходисаларига нисбатан маълум қарашларга эга бўлган, лекин улар денгизлар хақида умуман ўйлашмаган. Мумкинки, қадимги қараш ва тушунчалар кўплаб замонавий фанларга асос бўлгандир. Бироқ денгиз сирларига бошлаб боровчи бирорта уринишлар хақида эслатмаларни ҳам учратмайсиз унда. Эр. ав. 4-асрда машҳур денгиз сайёҳи Питеас Ой ва денгиз сувларининг кўтарилиш ҳамда пасайиши ўртасида алоқадорлик борлигини аниқлаган.

Айни шу вақтда машҳур Аристотел турли файласуфларнинг назарияларини ривожлантириб, денгиз ҳаётини ўрганган. Эр. ав. 2-асрда яшаган қадимги юнон жўроғи Страбон ўзига маълум қадимги услубларни кўллаб сувларнинг кўтарилиши ва пасайиши хақида маълумотлар тўплаб, антик дунёнинг жўроғияга оид илмларига яқун ясаган.

Мухаммад Иброҳим ас-Самра ўзининг тадқиқотида қуйидагиларни битади:

«Тарих бизга Ислом келгач, араблар ва форслар денгиз илмини ривожлантиришга ҳаракат қилишганлигидан хабар беради. Мисол учун, жўроғия олими Ибн Хардазоба 844 йилда ёзган ўзининг «Давлат ва риоё йўллари» асарида Арабистон денгизида юрадиган араб ва форс денгиз сайёҳлари ушбу денгиз оқими йўналиши йилда икки марта ўзгаришини билганлари хақида хабар беради».

Орадан 100 йил ўтиб Арабистон денгизи жанубида океан ҳаракатини таърифлаб, Ал-Масъудий ўзининг қомусида ёзадики: «Хабаш денгизи экватор қизиги бўйлаб қарбдан шарққа томон қенгайиб қормоқда. Оқим ўз йўналишини қаслли шамоллар алмашиши билан бирга денгизнинг қарча қойларида ўзгартирмоқда».

Машҳур араб денгиз сайёҳларидан бири, қомпас ихтироқиси қубтон (қаптан) Аҳмад ибн Мажд ибн Мухаммад ас-Саадий Арабистон денгизи қорасидаги ўзининг қилимларини қирқ қилд қитоб қолига қелтирган. Бу қитобларда қоқманлар учун қемаларни боққариш (уларга йўл қўрсатиш) хақида қўрсатмалар мақжуд. Ибн Қадиджан қанубий ва шимолий экватордан эсувчи шамоллар қиклидан қуда яқши қабардор эди. У шамол ўзгариши қикли қизиб қўрсатилган қисққа қомпас қилимларини ўрнатди. Бундан ташқари, у Қинд океанидаги денгизда сузиш қасллари хақида ҳам маълумотлар қерган.

XV-XVIII асрларда дунё буйлаб кўпгина саёхатлар амалга оширилган. Бирок йўлга тушган денгиз сайёхлари денгиз хақидаги илмларини кенгайтиришга ҳаракат қилмаганлар. 18-асрда Европада чиққан денгиз хақидаги биринчи илмий асар бу соҳада оддий бошлангич маълумотларни камраган эди. Замонлар келиб океанография – замонавий фанлар орасида ўз ўрнини топди. Энг асосий туртки бўлган омил сифатида 1872-1876 йилларда дунё буйлаб сайёхатини амалга оширган Англиянинг «Челенжер» кемаси бўлди. Шу вақтдан бошлаб океан ва денгизларни ўрганиш мақсадида илмий-тадқиқий экспедициялар амалга оширила бошланди.

XX аср сўнгигига келиб океан ва денгизлар сирини очишга қаратилган инсоният ҳаракати сезиларли даражада ошди. Бу – сунъий йўлдошлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ўрганишнинг янгича услубларининг пайдо бўлиши ҳамда олис масофадани туриб тасмага тушириш имконияти юзага келиши билан боғлиқ эди. Океаногрофия тарихи гувоҳлик берадики, 1400 йил аввал денгизлар хақида аниқ маълумотлар умуман бўлмаган. Куръони Карим эса Пайгамбар Мухаммадга (соллаллоху алайхи васаллам) бу даврдан анча олдин нозил бўлган. Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) эса худди атрофидагилар сингари саводсиз бир киши эди. Куръонда борлиқ хақида маълумотлар жуда кўп бўлиб, улардан маълум қисми бугунги кунимизда аниқланди. Аллох таоло дейдики:

﴿ وَهُوَ الَّذِي مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ هَذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ وَهَذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ
وَجَعَلَ بَيْنَهُمَا بَرْزَخًا وَحِجْرًا مَّحْجُورًا ﴾

«У икки денгиз-дарёни буниси чучук-ширин, униси шўр-аччик қилиб окизиб қўйган ва уларнинг ўртасида тўсик-тугон ва кўринмас парда қилиб қўйган Зотдир». (25:53)

Оятни шарҳлаб, муфассирлар «мараж» сўзининг икки маъносини илгари сурадилар. Биринчи маъноси – бу аралашиш, қўшилиш. Аллох таоло дейдики:

«Йўқ, уларга Ҳақ (Куръон) келган вақтда уни ҳам ёлгон дедилар. Бас, улар бир

ноаник ишга – холга тушиб колгандир» (50:5).

Изохли «Лисанул араб» лугатида «мараж» сўзига аралашган, коришилган деб таъриф берилади.

Машхур араб филологи ал-Исфохоний ўзининг «ал-Муфрадот» асарида «мараж» бу «халт», яъни аралашиш;

Аз-Зубайдий ёзганки, чучук сувли дарёлар ва шўр сувли денгизларга нисбатан «мараж» сўзи бу у иккисининг учрашиш жойида «халт», яъни аралашишни билдиради.

Аз-Зужаж ўзининг машхур «Тожул-арус» лугатида «мараж» бу шўр ва чучук сувнинг аралашишига далолат қилади, деб ёзган.

Ибн Жарир ат-Табарий ўзининг «Жомиъул-байан» асарида «мараж» – бу «халт» деб ёзади.

Хазрати ибн Аббос ёзадики, денгиз ва дарёларга нисбатан «мараж» сўзи бирининг иккинчиси билан аралашиб кетиши дейди. Худди шундай фикрлар ал-Даххак, ал-Куртабий (ал-Жомиъ ли-ахками Куръон), Абу Хайан (ал-Бахр ал-Мухит), ал-Хазин (Мажмаъат ат-Тафсир), ар-Розий (ат-Тафсир ал-Кабир), аш-Шавконий (Фатх ал-Кодир) ва бошқаларнинг асарларида учрайди. Мужохид эса бир денгизнинг бошқасига куйилиши деган.

«Мараж» сўзининг иккинчи маъноси – бу келиш (мажи'), кетиш (захаб) ва бехаловатлик, безовталиқ (изтироб, колак).

Ибн Форис ўз лугатида ёзадики, «мим», «ро», «жим» харфлари сўзнинг ўзагини ташкил этиб, келиш, кетиш, бехаловатлик маъноларини билдиради. У ёзгандики, бармоқдаги узукни сугуриб олиш (мараж) – бу хавотирлик, бехаловатлик (калак) аломати. Бу маъно «мараж» сўзининг барча грамматик шаклларида сакланиб қолади.

«У икки денгиз-дарёни буниси чучук-ширин, униси шўр-аччик қилиб оқизиб кўйган...»

Чучук сув – бу дарё. Худди шундай ёзган эди ибн Жарир ат-Табарий. Чучук сувга у дарё ва ёмғир сувларини қиритган. Унинг қуйидагича фикрлари мавжуд: «Мен ҳеч қачон чучук денгизни учратмадим, фақат чучук дарёларни кўрдим».

Куръони қаримда «чучук» маъносини ифодалаш учун иккита ибора «азб» ва «фурат» қўлланилган. Ичиладиган ширин сувни ифодалашда «азб» сўздан ясалган «азуба» (ширин, маза; чучуклик) ишлатилади. Ичиладиган оқар сувда эса «азуба» мавжуд, бироқ уни «фурат» ибораси билан ифодалаб бўлмайди, дейишади.

Агар сув аччик ва шўр бўлса, бу – денгиз суви. Бу хил сувни ифодалашда Куръонда «милх» (туз, шўр) ва «ужаж» (аччик, шўр) сўзлари ишлатилган. Қўплаб тилшунослар ва муфассир олимларнинг таъкидлашларича, «милх ужаж» жуда шўр ёки аччик-шўр маъносини беради. «Ужаж» – бу аччиккача бўлган шўр. Бу ибора ҳам «милх» (шўр) сингари оқар сувларни ижодалашда қўлланилмайди, чунки уларнинг таркибида ширин ва шўрлик аралашмаси мавжуд.

Демак, юкорида саналган тўрт ибора уч хил сувга таъриф беради:

- «Бу чучук-ширин...» дарё сувлари

- «Униси шўр-аччик...» денгиз сувлари
- «...уларнинг ўртасида тўсик-тўгон ва кўринмас парда...» бу сувли йўл бўлиб, денгиз ва дарёнинг қўшилиш жойида юзага келади.

«Кўринмас парда» нима дегани?

«Лисан ул-араб» ва «ал-Муфрадот» лугатларида ал-Исфохоний «хижр» сўзида тақикланган, тақик, тўсик маънолари борлигини айтади. Турли йўллар, тўсик ҳамда бошқа тутиб қолувчи асбобларни «хижр» сўзи билан ифодалаш мумкин. Бу қилиш лозим бўлмаган нарсани қилишга ҳалакит бериш. «Мўъжам мақоис ал-лўгат» лугатида дейиладики, «ха», «жим» ва «ро» ҳарфлари сўз ўзаги бўлиб, бу сўз таъқик ёки бирор нарсанинг чекланиши, чегараланишини билдиради.

Айтиладики, ҳакам исрофгарга «хижр» қўйди, яъни унга ортиқча пулларини сарфлашни тақиклаб қўйди.

Шундай қилиб, биз «хижр» сўзини дарёнинг денгизга қуйилиш, у билан қўшилиш жойини тушунамиз. Бу жой тирик организмлар жойлашган жуда тор бўлган бир макондир. Бундан ташқари, бу жой бошқа организмлар учун ёпиқдир. Улар бу ерга суқилиб қира олмайди. Демак, «...денгиз ва дарё ўртасида сувли тўсик-тўгон ўрнатди» иборасининг моҳияти шундаки, дарё денгизга қуйиларкан, денгиз ва дарёларда яшовчи организмлар учун ёпиқ бўлган ҳамда маълум тирик организмлар тўпланадиган сувли жой ҳосил қилади.

Муфассир-олимлар учун юқоридаги оятни чуқур маънода тушуниш осон бўлмаган эди. Аллоҳ таоло сўзларининг сири қўплаб тафсирларда ўз ифодасини топган. Уларнинг айримларида дейиладики, бу оятнинг маъносига Аллоҳ таоло сувларни учрашганда аралаштиради, дейишади. Уларнинг фикрлари «мараж» (аралаштириш) сўзининг айнан ўз маъносига асосланади. Муфассир-олимларнинг бошқа гуруҳи бу ерда гап Аллоҳ таоло сувларни ўз ўзанлари бўйлаб юбориши ва улар аралашиб кетмасликлари ҳақида гап кетмоқда дейдилар.

Ибн ал-Жавзий ёзадики, қўплаб муфассирлар ушбу оятни қуйидагича тушунтиришган: «Аллоҳ таоло денгиз ва дарёларни ўз ўзанлари бўйлаб юборган ва улар аралашиб кетмайди. Шўр ва чучук сув аралашиб кетмайди».

Абу ас-Сууднинг фикрига кўра, Аллоҳ таоло ушбу икки хил сувни бир-бирига яқин қилиб оқитиб қўйган, бироқ улар аралашиб кетмайди. «Маража» қўйиб юбормоқ маъносини билдиради. Ушбу сўз «хайвонни ўтлоққа қўйиб юбориш»да ишлатилади. Худди шу фикрларни ал-Байдовий, аш-Шаккитий ва Тантовий Жавҳарилар ҳам илгари суришган.

Худди шу ҳолат «барзах» сўзи шарҳида ҳам юзага келади. Ибн Касир ва қўплаб муфассирлар «барзах» бу ердан (тупрок) бўлган дамба (кўтарма) ёки тепалиқдир деб

хисоблайдилар. Бу хакида ўзларининг изохла лугатларида Абу Хайан, ар-Рози, ал-Алуси ва бошқалар ҳам ёзишган. Бунга қарши ўларок фикр билдирган киши ибн Жарир Табари эди. Ўзининг «Жамиъ» асарида ёзадики: «Аллох таоло оятнинг биринчи ярмида икки денгизга йўл очиб кўйганлиги хабарини беради».

«Мараж» сўзи илм ахлига маълумки, араб тилида аралашиб маъносини ифодалайди. Бу ҳолатда агар чучук ва шўр сувлар ўртасида мавжуд «тўсик» (барзах) ерли (тупрокли) дамба ёки курук бир жой бўлганда эди, денгизларнинг аралашиб кетиши мумкин эмас эди. Аллох уларни ажратиш кўйганлигини хабар беради. «...уларнинг ўртасида тўсик-тўгон қилиб...» иборасидаги «барзах» сўзини шарҳлаб ат-Табарий ёзадики, бу кўзга кўринмас тўсикдир.

«Барзах» сўзини шарҳлаб Ибн ал-Жавзий ўзининг «Зад ал-Масир» лугатида ёзадики, барча нарсага қодир Аллох бу тўсикни ҳеч қимга кўринмас қилиб яратган. Ўзининг «ал-Кашшоф» асарида аз-Замахшарий ёзган эдики: «Ушбу тўсик-тўгон Аллохнинг мўъжизаларидан биридир. Бу ҳолат Аллохнинг осмонлар хақидаги ушбу ояти сингаридир». **«У Аллох осмонларни кўришингиз учун устунсиз кўтариб кўйган...».**(13 :2)

Шу ерда бир ўйлаб кўринг. Инсоният маърифати Куръон маъноларининг нозикликларини тушунишда қанчалик яроқли ҳолда. Қимдир «барзах» бу ер, тупрокдан ҳосил бўлган тўсик деса, бошқалари аниқ маъно бера олмаган. Баъзилар уни кўзга кўринмас бир тўсикдир деган. Буларнинг барчаси бизга Мухаммадга (соллаллоху алайхи васаллам) келган билим ҳам нубувват даврида, ҳам ундан кейинги йилларда инсоният маърифатидан устунлигини эслатиб туради.

Борлик сирларини очиш ҳамда фан тараққий этган сайин инсон денгиз ва дарё кўшилиши жараёнини тадқиқ қилди, аниқ асбоблар воситасида шундай жойлардаги сувлардан намуна олиб унинг чучуқлик даражасини ўрганди. Сув харорати, унинг зичлиги ўлчанди. Бундан ташқари, тадқиқот объекти сифатида ўз навбатида яшаш жойига қараб таснифланган организмлар яшайдиган сувлардан ҳам намуналар олинди. Ушбу организмларнинг турли, жумладан, дарё ва денгизли жойларда яшаш имконияти ўрганилди. Дарё ва денгизнинг кўшиладиган кўплаб жойларини синчковлик билан ўрганилгандан сўнг, олимларга қатор номаълум нарсалар ойдинлашди.

Тадқиқотчилар уч хил сув мавжудлигини аниқлашди:

- Юқори чучуқликка эга бўлган дарё сувлари
- Кўп тузлари мавжуд бўлган денгизлар суви
- Чучук ва шўр сув аралашимида ҳосил бўладиган дарёнинг денгизга қуйилиш жойларидаги сувлар.

Дарёнинг денгизга қуйиладиган жойи – бу дарё ва денгизни ажратиш турадиган жой

бўлиб, у ерда сув доимо харакатда бўлади. Бу сувларда туз микдори денгизга якинлашган сайин ортиб боради. Ёки аксинча, дарёга якинлашган сари чучук сув шундай бўлади. Дарёларнинг куйилиш жойи хатто баландликдан дарёнинг денгизга тушадиган жойида остоналар ва шаршаралар мавжуд бўлса-да, ушбу жойнинг фаркли хусусиятларини ўзида мужассам килган сувли тўсикни ифодалайди.

Юкорида саналган уч хил сув (дарё, денгиз ва куйилиш жойлардаги сув) чучукликнинг шўрлик микдорига караб фаркланади. Мазкур сувларда яшовчи тирик организмлар таснифи билан шугулланган таджикотчилар куйидагиларни таъкидлаб ўтган:

1. Денгиз, дарё ва куйилиш жойларида яшовчи организмларнинг кўплари фақат ягона ўзининг мухитида яшай олади. Лосось (гўшти кизил балик) ёки илонбалик сингари камсонли турлар хар уч мухитда хам яшай олади. Уларда хар уч мухитда хам мослашиб кетиш қобилияти бор. Куйилиш жойларида яшовчи кўплаб баликлар, кискичбакалар ва кўпоёклилар маълум мувофик шароитларда денгиз мухитида яшашлари мумкин. Кўп сонли чувалчанг хамда тангачали турларга келадиган бўлсак, улар куйилиш жойлари яшовчиси хисобланиб, денгизда истикомат кила олмайди. Юкоридаги уч турли сувнинг биридагина яшаши лозим бўлган кўплаб организмлар агар ўз маконларини тарк этишиб бошка тур сувга ўтишса, ўлиб қоладилар,

2. Сувда яшовчи тирик организмлар таснифидан келиб чикиб, организмларнинг катта кисми учун куйилиш жойларидаги сувларни ёпик зона деб хисоблаш мумкин. Мазкур организмлар белгиланган туз концентрацияси мавжуд бўлган ушбу сувли мухитда яшашлари мумкин. Бу сув денгиз сувлари сингари шўр хам, дарё суви мисоли чучук хам эмас. Куйилиш жойида яшовчи организмлар бошка мухитда ўлиб қолади. Шу билан бирга, куйилиш жойи – бу денгиз ва дарёда яшовчи тирик организмларнинг аксарияти учун «ёпик зона»дир. Улар хам ўзига бегона бўлган мухитда ўлиб қолади. Сабаби, бу ерда сувдаги туз концентрацияси мухим роль ўйнайди. Юкоридаги хар уч тур сув унсурлари ўзларигагина хос бўлган хусусиятларини саклаб қолишлари учун Аллох ана шундай хайратланарли системани яратган.

Агар илгарилари дарёнинг куйилиш жойларидаги сувли тўсикни инсон оддий кўз билан кўра олмаган бўлса, бугунга келиб мураккаб воситалар билан таъминланган сунъий йўлдошлар бизга ушбу уч хил сув мухити худудларини кўриш имконини берди. Сувларнинг харорат тафовути канча катта бўлса, ушбу худудларнинг кимёвий таркиби шунча фарк килади.

Албатта, чучук сув денгиз суви билан кўшилиб кетади, аммо уларнинг ўртасида бир сувнинг иккинчиси билан аралишиб кетишига ёки сув белгиланган ўз худудидан чикиб кетишига тўскинлик килувчи чегараларга эга. Бу ходисанинг турлича таърифлари бор, лекин шуниси мухимки, замонавий фан чучук ва шўр сувларнинг кесишиш жойларида худудлар мавжудлигини аниқлади.

Куръон нозил бўлган вақтдан кейин йиллар давомида хам олимлар хаёт мураккабликлари ва унинг кўплаб сир-асрорларини очишда кийналишган.

Аллох дейдики:

وَقُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ سِيرِكُمْ أَيُّنِهِ فَنَعْرِفُونَهَا وَمَا رَبُّكَ بِغَافِلٍ عَمَّا
تَعْمَلُونَ ﴿٩٣﴾

«Айтинг: «Хамду сано Аллох учундир. Якинда У сизларга Ўз оят-мўъжизаларини кўргазур. Бас, сизлар уни тан олурсизлар...». (27:93)

لِكُلِّ نَبِيٍّ مُّسْتَقَرٌّ وَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٦٧﴾

«Хар бир хабарнинг ўз ўрни бор. Якинда билажаксиз». (6:67)

Шу ерда катор хакли саволлар тугилади:

Хар хил сув асрорлари ва нозикликларидан беҳабар бўлган, чучук ва шўр сув хамда уларнинг ўртасида «кўринмас парда» борлигини билиш бир ёкда турсин, на ўзанлари, на дарёлари бор бўлган курук саҳрода истикомат килган илмсиз одамлар орасида яшаган саводсиз киши бўлган Мухаммадга (соллаллоху алайхи васаллам) ким бу маълумотлардан хабар берган? Ёки «хижр» – бу турли сувларда яшовчи тирик организмлар учун бир тўсик эканлигини каердан билибди у киши? Бундан 1400 йил олдин саводи йўк бўлган Пайгамбар Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) томонидан айтилган сўзларнинг хакикатини англаш, очиш учун инсониятга канчадан-канча замонавий асбоб-ускуналар ва аник ўлчовлар керак бўлди? Агар у Зот Аллох томонидан юборилмаган бўлса, унга бу маълумотлар каердан келди?

Денгиз ва дарё хамда денгизлар ўртасидаги тўсик

Дарёлар ва денгизлар, уларнинг сувлари борасида олиб борилган тадқиқотларни

беришда давом этамиз.
Аллох дейдики:

مَرَجَ الْبَحْرَيْنِ يَلْتَقِيَانِ ﴿١٩﴾

يَنْهَابُ بَرْخٌ لَا يَتَّبَعَانِ ﴿٢٠﴾

«У Зот икки денгиз-дарёни бир-бирлари билан учрашадиган холларида (ёнма-ён) окизиб кўйди. (Аммо) у иккисининг ўрталарида бир тўсик бўлиб, улар (ўша тўсикдан) ошиб ўтмаслар». (55:19-20)

أَمَّنْ جَعَلَ الْأَرْضَ قَرَارًا وَجَعَلَ خِلَالَهَا أَنْهَارًا وَجَعَلَ لَهَا رَوَاسِيًا
وَجَعَلَ بَيْنَ الْبَحْرَيْنِ حَاجِزًا ۗ أَلَيْسَ اللَّهُ بِأَكْثَرَهُمْ لَآ
يَعْلَمُونَ ﴿٦١﴾

«...хамда икки денгиз-дарё ўртасида тўсик-тўгон иншо қилган Зотми?» (27:61)

Юқоридаги фикрларнинг ҳаммаси олимлар томонидан синчковлик билан ўрганиб чиқилди. Уларни оят мазмуни хамда ҳар бир сўзнинг айнан маъноси кизиктирган эди. Икки денгиз ёки иккита катта дарёлар. Араб тилида денгиз «бахр», иккита денгиз «бахрайн» бўлади.

Ал-Халилдан далил келтириб, ибн Фарис ёзган эдики: «ба», «ха» ва «ро» ҳарфлари сўзнинг ўзагини ташкил этиб, денгиз маъносини беради. Айтиладики, денгиз суви – бу парланиб кетса, ўрнида туз пайдо бўладиган сувдир.

Ал-Исфохоний шундай деган эди: «Кўпларнинг фикрларига кўра, денгиз, яъни «бахр» – бу шўр сув, чучук эмас». Ибн Манзур ҳам шундай фикрга эга бўлган.

Қуръонда чучук сувни ифодалаш учун «нахр» – дарё, «анхар» – дарёлар сўзи, шўр

сувни ифодалаш учун «бахр» сўзлари ишлатилган. Аллох дейдики:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً
فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ وَسَخَّرَ لَكُمُ الْفَلَكَ
لِتَجْرِيَ فِي الْبَحْرِ بِأَمْرِهِ وَسَخَّرَ لَكُمُ الْأَنْهَارَ

«...У ўз амри билан денгизда сузиб юриши учун кемаларни сизларга бўйсундирди. Яна дарёларни ҳам сизларга бўйсундирди». (14:32)

Хадисларда ҳам «бахр» сўзи «шўр денгиз» маъносини ифодалашда қўлланилган. «Барзах» сўзи эса «тўсик» маъносини беради. Муфассирларнинг аксарияти «барзах» – бу «кўринмас парда» эканлигига иттифок қилишган. «Ал-бағйу» сўзи ибн Манзур, ал-Жавхарий ва ал-Исфохарийларнинг фикрларига кўра, чегаранинг ўтиш жойидир. «Маржан» сўзи ибн ал-Жавзийга кўра, новда шаклини олган марварид, дурнинг турли кўриниши. Аз-Зужаж ёзган эдики, «маржан» жуда оппоқдир. Бу сўзнинг замонавий маъноси кораллдир. Ибн Масъуднинг фикрига кўра, «маржан» мунчоклар учун ишлатиладиган кизил тошлар. Абу Хайан «маржан» – бу кизил тошдир деган, аз-Зужаж бу жуда ок тош деган. Ал-Куртабийнинг ёзишича, «маржан», аксинча, кичикрок марвариддир. Ал-Асулий эса марвариднинг хажми кичик бўлади, «маржан» эса катта бўлади ва х.к.

Юкорида айтилган фикрларга хулоса ясар эканмиз, «маржан» – бу безак, коралл тимсоли. У хар хил рангда: кизил ҳам, ок ҳам бўлади, шунингдек, хар хил хажмли ҳам бўлади. Бу тош новда шаклига эга бўлади. Коралл дур ёки мунчок сингари кичик бўлиши мумкин. Лекин бу марварид эмас. Боб аввалида мисол тарикасида келтирилган оятда денгизлардан «марварид ва коралл(маржон)» чиқиши хабар берилади. Бу ердаги «ва» боғловчиси бизга иккита хар хил тушунча мавжудлигига далолат қилади. «Маржан», яъни коралл факат шўр сувларда учрайди. Келинг, бизнинг кунимизда очилган денгиз сувларидаги маънога далолат қилган Куръон оятини чуқуррок англаш учун шу оятни яна келтирамиз. Аллох дейдики:

«У Зот икки денгиз-дарёни бир-бирлари билан учрашадиган холларида (ёнма-ён) окизиб кўйди. (Аммо) у иккисининг ўрталарида бир тўсик бўлиб, улар (ўша тўсикдан) ошиб ўтмаслар. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон

дея олурсизлар?! У иккисидан (бири бўлмиш денгиздан) марварид ва маржонлар чикур». (55:19-22)

Оятда шўр денгизларнинг «учрашиши» васф килинган. Бунга куйидагилар ишора килади:

- биринчи оятда «ал-бахрайн» ибораси ишлатилмоқда, яъни икки денгиз бўлиб, гап шўр денгизлар хакида кетаётганлигига далолат килади.
- сўнгги оят бизга денгизлардан марварид ва коралл(маржон) чиқиши хакида хабар бермоқда.
- Фуркон сурасида айтиладики, Аллох денгиз ва дарё ўртасида, биринчидан, тўсик («барзах»), иккинчидан, кўринмас парда («хижр») пайдо қилган.

Аллох дейдики: «У икки денгиз-дарёни буниси чучук-ширин, униси шўр-аччик килиб окизиб кўйган ва уларнинг ўртасида тўсик-тўгон ва кўринмас парда килиб кўйган Зотдир». (25:53)

Ар-Рохман сурасида денгизни «барзах» ажратиб туриши хабар килиниб, бу ерда гап шўр ва чучук сув эмас, балки иккита шўр сув, яъни икки денгизнинг учрашишига ишора килинмоқда, ахир икки холатда сувларнинг учрашиш натижаси хар хил-ку?! Шўр денгизлар шўрлик, хаво ранг хамда тўлқинлар каби умумий кўринарли хусусиятлар мавжудлигига карамасдан, улар бир-бирларидан фарк килишини ким кўрган? Улар ўзаро кўшилганда хам фаркланиб туради. Маълумки, бир идишда аралашиб кетган сувлар бир хил турли суюкликка айланади. Энди окимлар, тайфунлар, кўтарилиш хамда пасайиш ва х.к. каби кўпсонли омилларга карамасдан, денгизлар кандай килиб ўзаро аралашиб кетмайди?

Куръонда иккита ўзаро фарк килувчи шўр денгизлар «учрашиши» баён килинади. Чунки ўртасида фарк мавжуд бўлмаганида, битта денгиз бўлиб коларди. Шундай бўлса-да, уларнинг хар иккиси шўр бўлсада, бу денгизларнинг икки хиллиги таъкидланади.

Буларнинг барчасини инсоният фан ва техника ривожини эвазигагина эришди. Яна шу нарса маълум бўлдики, сувларни ажратиб турувчи учинчи хил сув ўз хусусияти жихатдан колган иккисидан фарк килади. Бу учинчи сув ажратиб тураркан, ўртада бўлиб уларга ўз хусусиятларини саклаб қолишларига имкон яратади. Бу ерда гап сувдаги чучуклик, харорат, сув зичлиги хамда ўзида кислород мужассам қилган денгизда яшовчи организмлар хакида кетмоқда.

Таъкидланган эдики, денгизни ажратиб турувчи сувлар доимо харакатда бўлади. Бу харакат-келиш, кетиш ва тебранишдир. Денгизлар ўртасида мавжуд бўлган «тўсик» (барзах) уларнинг секинлик билан кўшилишларига йўл бермайди, бироқ улар бир-бирларига оқиб кираверадилар. Гап шундаки, «барзах»-бу бир денгиздан бошқасига оқиб ўтиш жараёнидаги тебранишлар хосил бўладиган сувли жойдир. Бундай пайтда харакат килаётган сув асли ёки аввал эга бўлган ўзига хос хусусиятларни йўқотиб, иккинчи денгиз суви хусусиятларини ўзлаштиради. Яъни, бир денгиз иккинчисига ўтаркан, сувлар ўзининг бошлангич хусусиятларидан махрум бўлади, хусусиятлар тўқнашуви, улар ўртасида босим кузатилмайди.

Шўр сув хамда чучук сув ўртасини ажратувчи деб зикр килинган Куръондаги «кўринмас парда» кучли бир ажратувчидир. Денгиз ва дарёларни ажратиб турувчи деб эътироф

этилган дарёларнинг қўшилиш жараёнларини ўрганган олимлар бу хулосага иттифок қилишган. Бу каби жойлар ҳам денгизда яшовчи, ҳам дарёда яшовчи тирик организмлар учун бир тўсикдир. Шу билан айна дамда, шу яшаш мухити ўзига хос маълум тирик организмлар учун ҳамдир. “Ар-Рохман” сурасида дейиладики, денгизлардан марварид ва кораллар чиқади. Коралл шўр денгизлардагина бўлади, шу тўфайли тирик организмлар учун “кўринмас парда” мавжуд эмас. Турли денгизларда туз концентрациясидаги фарк катта эмас. Бу ҳолат тирик организмлар учун денгиз бўйлаб саёҳат қилишларига имкон беради.

Ибн ал-Жавзий ва яна катор муфассирлар ўша “кўринмас тўсик” Аллохнинг санъаткорона яратиш мўъжизаларидандир дейишган. Хатто жуда улкан олимлар ҳам Куръоннинг ушбу оятидаги тафсилотларни тушуна олмай, англолмай келдилар.

Аллох бу борада дейдики: **“Улар (одамлар) У зотнинг илмидан факат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар”.** (2:255)

Замонавий океанография олимлари денгизлар ўртасидаги тўсикни кашф этгач, куйидаги хулосани беришган:

“Денгизлар ўртасида уларни ажратиб турувчи доимо ҳаракатда бўлган “ажратувчи” бўлиб, олимлар уни ажратувчи чизикка киёслаган ҳолда “фронт чизиги” деб номлашган”.

“Челенжер” кемасида олиб борган Англия денгиз илмий экспедицияси олимларга шўр денгизлар ҳар хил таркибга эга эканлигини аниқлашга ёрдам берди. Бу 1873 йилда бўлган эди. Денгиз сувлари ўзларининг кимёвий таркиби, ҳарорати, зичлиги ҳамда бунда яшовчи тирик организмларига қараб фарк қилиши аниқланган эди. Бу ютуқка уч йил давом этган илмий экспедиция ҳамда сайёрамизнинг барча денгизларини тадқиқ этгачгина эришилган эди.

Денгиз хусусиятларини ўрганиш учун юзлаб денгиз тадқиқот станциялари барпо этилди. Олимлар шунга икром бўлдиларки, ана шу хусусиятларда мавжуд фарқлар денгизларни бир-биридан ажратиб туради. Факат кизиги шундаки, ҳар кунги кўтарилиш ва пасайишлар, кучли ҳаракатга келтирувчи тебранишларга қарамадан нима учун денгизлар аралашиб ёки бутунлай бир хил хусусиятга эга бўлган сувларга айланиб кетмайди?

Ушбу саволга биринчи жавобни 1942 йилда чоп этилган илмий ишлар берган эди. Кенг миқёсда олиб борилган тадқиқотлар денгиз суви таркибида ажратиб турувчи шундай хусусиятларни кашф этди. Ҳар бир денгиз ўз зичлиги ва сув ҳарорати, туз миқдори, денгиз фаунаси ҳамда сувдаги ҳаво миқдори каби ўзига хос хусусиятларни саклаб қолади.

Сунъий йўлдош нурли фототасма ёрдамида инсон денгизлар ўртасида ҳаракатланувчи ушбу илонизли сув “тўсик”ларини кўришга муваффақ бўлди. “Куръон ва суннатда ақл бовар қилмайдиган фан” мавзуси остида ўтган биринчи халқаро конференцияда шайх Абдулмажид аз-Зиндани ҳамда доктор Барсуад Рау ўзларининг маърузаларида бундай дейди: “Денгизга бир қарашда улар бир хил (таркибли) кўринади, лекин бунга

карамасдан, дунёнинг турли жойларидаги сув тўплamlари ўртасида катта фарк мавжуд”.

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маржон ва марваридлар камдан-кам ёки умуман ёмгир бўлмайдиган субтропик ва тропик минтакаларда мавжуд бўлади. Чучук сувларда марварид ва кораллар учрамайди. Хайратланарлиси эса, сувларни анализ қилиш учун замонавий асбоб-ускуналар томон югурмай ҳам икки тур сув ажратувчи ўртасидаги фаркни кўришимиз мумкин бу ерда.

Катар университети табиий фанлар куллиёти профессори, океанограф-олим Мухаммад Иброхим ас-Самра Адан ва Форс кўрфазида тадқиқот олиб борди. 1984-1986 йилларда Катар университетига тегишли “Денгиз лабораторияси” кемасида ушбу кўрфазлар бўйлаб ўз экспедициясини амалга ошириб, сувларнинг кимёвий таркиби борасида катор тахлилларни ўтказди. Экспедициянинг илмий дастури харита, цифрли жадваллар ҳамда диаграммалар тақдим этган икки кўрфаз сувларининг киёсий тахлилини ўз ичига олган эди. Бундан ташқари, кўрфаз сувининг таркиби ҳамда хар бирининг ўсимлик дунёси ҳам таққосланган эди.

Бу тадқиқот ҳам икки кўрфаз ўртасида “кўшилган сувлар жойи”-Mixed Water Area номи билан аталган сувли тўсик борлигини аниқлади. Ушбу тадқиқот натижасида мазкур сувли устунлар жойи икки катламдан иборатлиги аниқланди. Юза катлами Уммон кўлтиги сувларидан, куйи катлам сувлари эса Форс кўрфази сувларидан иборатлиги маълум бўлди. Кўрфаз сувлари аралашиб жараёнида таъсир сезмайдиган жой-сувли устун бир турли бир катламдан таркиб топади.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, сувларнинг аралашиб кетиш жараёни (кўрфаздаги қуйилиш жойларида) ҳамда сувли устунларининг икки хил катлами мавжудлигига карамасдан, жуда мустахкам “тўсик” бўлиб, уни мазкур икки катлам ўзларига нисбатан гравитацион мувозанат ҳолатига келтиради. Айнан мана шу нарса сувларнинг аралашиб, бир турли (таркибли) бўлиб қолишига йўл қўймайди.

Тадқиқот натижаларидан бири шу эдики, тўсик вертикал бўйлаб пастга (10м.дан 50м.гача бўлган чуқурликда) ёки горизонтал бўйлаб юқори томонда жойлашган бўлади. Олимлар денгиз ва дарёнинг қўшилиш жойини ўрганар экан, бу жойларда денгиз ва дарёнинг сувлари доимий ҳаракатда, тебранишда бўлиб, аралашиб кетиб туришини аниқлашган. Иккисини ажратиб туривчи тўсик хар икки тарафда яшовчи тирик организмларнинг бир-бирига ўтиб кетишига йўл бермайди. Шунинг учун хар икки тарафнинг фаунаси ўзаро фарк қилади.

Ана шуларнинг барчаси 1400 йил олдин Куръонда нозил қилинган эди. Шу оятлар ҳеч қандай дарёси, ўзани йўқ бўлган саҳрода яшаган инсон-Пайгамбарнинг (с.а.в.) муборак оғизларидан чиққан эди. У зот ўз даврида бугунги кунда олимлар жуда замонавий, тараккий этган технологиялар эвазига эришаётган илмий ютуқларга эришиши, дунё бўйлаб экспедициялар ёки илмий тадқиқотлар ўткази олиши мумкин эдимиз?!

Аллох дейдики: **“Айтинг: “Уни осмонлар ва ердаги барча сир-асрорни биладиган зот**

нозил килгандир...”

(25:6)

Фан тарихи, хусусан, океанография тарихи маълумотларига кўра, бундан 14 аср олдин Пайгамбарга (с.а.в.) Куръон нозил бўлиш вақтида инсон ушбу соҳада ҳеч қандай илмий тушунчага эга эмасди. Бунинг устига денгизларни ўрганувчи фан XX асрнинг иккинчи ярмидагина ўзининг ривожланиш даврига эришди. Бунгача денгизлар сирли бир дунё эди. Фақат денгизда узок сайёҳат қилиш ва унинг хавфсизлик чоралари тўғрисида орамизда эртақлар кезиб юрарди холос. XX асрнинг 40 йилларидагина инсоният шўр сувли денгизлар бир турли эмаслигидан, улар ўзаро фарқ қилишидан хабар топди.

Мавзуимизда кўтарилган “тўсик”ни (барзах) аниқлаш учун олимлар жуда кўп тер тўқдилар. Ушбу тўсиклар илониши шаклида эканлигини ҳамда фасллар алмашинувида қараб ўзининг жўгрофий ўрнини алмаштириб доимий ҳаракатда бўлишини аниқлашди. Инсоният сувли тўсик билан ажратилган денгиз сувлари айни вақтда ўзлари аралашиб кетаверишидан ҳам кўп вақт беҳабар бўлди. Фақат бу ҳам денгиз сувларини кўплаб таҳлил қилиш, улардан намуналар олиб текшириб кўриш каби тадқиқотлардан сўнггина маълум бўлди.

Айтингчи, Расулulloхнинг (с.а.в.) денгизни ўрганувчи станциялари, сувларни текшириб кўриш имконини берувчи асбоб-ускуналари ёки сув тўпламлари ҳаракатини кузатиш имкониятлари бормиди? Айтингчи, у зотнинг даврларида топографик суратлар олиш билан шугулланса бўлармиди? Айтингчи, у зот бирор замон денгизда сузганмилар ёки инсонларнинг денгиз ҳақидаги тасаввурлари афсона ва ривоятлар билан тўла бир замонда яшамадиларми?